

**НОЯБРЬ.
ОЙ МАВЗУСИ: ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ**

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Барча касблар муҳим						
Муддати	Ноябрь ойининг 4-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Кичик предметларни ўзаро бириктириш ва ажратиш (очиб ёпиш). Турли ўлчамдаги предметларни лойиҳалаш, катталар кўрсатмаси асосида тўғри чизик ва айлана ҳосил қилиш, бегона шахслар билан кетмаслик сабабларини тушунтириб бериш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин фаолиятида мулоқотга киришш, болалар билан ҳамкорлик қилиш, ижтимоий ролларга кириш, гуруҳ қоидаларига риоя қилиш, ўртоқлари тўғрисида сўзлай олиш, катталарнинг ҳолати, хулқи ва муоамаласига тақлид қилиш, катталарнинг назоратсиз топшириқларни бажариш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўзгалар бошлаган ҳикояни давом эттириш, муҳокама қилинаётган масала юзасидан мулоқотда иштирок этиш, саволлар бера олиш, нуткида сифат ва феъллардан фаол фойдаланиш. От ва феълларни қўллаган ҳолда содда гаплар туза олиш (шифокор беморларни даволайди, сотувчи меваларни сотади).					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Суратларни таққослай олиш, ўхшаш жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда уларни гуруҳларга ажрата олиш, тирик организмларнинг эҳтиёжларини айта олиш, атроф-оламда содир бўлаётган воқе-ҳодисаларга қизиқиш					
	Ижодий ривожланиш	Предметларга хос хусусиятларни тўғри инобатга олган ҳолда асар қаҳрамонлари, персонажларни тасвирлаб сюжетли суратлар чизиш, уларни бўяш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Қуриш-ясаш		Икки қаватли бино			Кубик, лево, қоғоз кути, ўйинчоқ, намуналар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Дўкон					Раста, турли товарлар билан жиҳозланган пештахта, конфет, нон, мева, сабзавот, ўйинчоқ, китоб, ўйинчоқ пул ваоқ халатлар.
	Тил ва нутқ	“Ҳайдовчилик касби” мавзусида суҳбат		Таълимий ўйин:Почта			Сюжетли расмлар
	Фан ва табиат	Қушларни кузатиш					АКТ, қушлар тасвирланган расмлар
	Санъат	Расм: Кофтани безаймиз		Аппликация: Биз қурувчилармиз		Лой иши: Истаган мева ва сабзавотларни ясаш	Тайёр кофта шакллари, манжет, резина буюмлар, рангли қоғоздан қирқиб ясалган квадрат, айлана, тўғри бурчак, учбурчак, оқ картон варақлари, клей, қайчи, мўйқалам, салфеткалар.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

НОЯБРЬ. ТҶҢРТИНЧИ ҲАҒТА **БАРЧА КАСБЛАР МУҲИМ**

Куриш-ясаи ва математика маркази

Ясаи

Мақсад: болалар юза бўйлаб мўлжал (ориентир) олишни ўрганадилар, нима куришни олдиндан режалаштира оладилар, курилатган объекти учун материал танлай оладилар, ясаи жараёнида кетма-кетликка эътибор қаратадилар, мустақил ясаи, ихтиро қилиш иштиёқини оширадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, лево, қоғоз кутилар, турли ҳил курилмалар намунаси, АКТ
Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни томоша қилиш.
2. Бажашиладиган ишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Ижодий иш.
5. Болалар ишлари таҳлили.

Қўшимча: видеоёзувлар намоиши, бадий адабиётлар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввурларни бойитиш ва диққатни жамлашга аҳамият бериш.

Куриш-ясаи ва математика маркази

Икки қаватли бино

Мақсад: болалар баланд иншоотлар курадилар, курилишнинг мустаҳкамлигига аҳамият берадилар, курилиш учун зарур деталларни саралаб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, мавзу асосида расмлар, кубиклар, леволар, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва расмларни томоша қилиш.
2. Ишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Ижодий иш.
5. Курилиш ўйини.

Қўшимча: фундамент тушунчаси билан таништириш. Бир қаватли, икки қаватли, кўп қаватли бинолар сўзлари билан болалар луғатини бойитиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг образли тафаккури.

Сюжетли-ролли ўйинлар васаҳналаштириш маркази

Дўкон

Мақсад: болалар сотувчилик касби ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўладилар, сотувчи, харидор ролларини ижро этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: конфет, нон, мева ва сабзавот, ўйинчоқ, китоб каби турли моллар билан тўлдирилган пештахта.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сотувчи, кассир касблари ҳақида суҳбат.
2. “Кимга нима керак?” таълимий ўйин
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин фаолияти.

Қўшимча: “Дўкон” таълимий ўйин. Ўйин учун ўйинчоқлар тайёрлаш. Дўконга саёҳат.

Эътиборга молик жиҳати: ўйин жараёнида болаларнинг ўзаро дўстона муносабатлари, бир-бирларига ёрдам беришга доим тайёр туришлари.

Тил ва нутқ маркази

“Ҳайдовчилик касби” мавзусида суҳбат

Мақсад: болалар турли машиналарни бошқарадиган ҳайдовчилар касби тўғрисида тасаввурга эга бўладилар, болаларда билиш фаолияти ривожланади, катталар билан боғлиқ ҳар қандай касбга нисбатан ҳурмат ҳисси тарбияланади, боғланишли нутқ шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳайдовчилар бош кийими, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳайдовчилик касби тўғрисида суҳбат.
2. “Йўл ҳаракати қоидалари” таълимий ўйин. Ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини билиши шартми?
3. “Ифода асосида машинанинг турини аниқла” таълимий ўйин
4. Китоб ва расмларни кўздан кечириш.
5. “Учинчиси ортиқча” таълимий ўйин.
6. Умумлаштириш. Рағбатлантириш

Қўшимча: видеоролик намойиши, бадий адабиётлар ўқиш, топишмоқлар топиш.

Эътиборга молик жиҳати: товушларни тўғри талаффуз қилиш, топишмоқ айтиш ва уларга жавоб топиш.

Тил ва нутқ маркази

“Почта” таълимий ўйин

Мақсад: болалар почтачи касби ҳақида тушунчага эга бўладилар, почтачи хат, газета ва журналларни етказиб беришини биладилар, бошланган ҳикояни давом эттирадилар, муҳокама пайтида ўз фикрларини ифодалай оладилар, савол бериш қўникмаларини шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: почтачи сумкаси, мактублар, газеталар, журналлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Почтага саёҳат” мавзусида суҳбат.
2. “Почтачи нима келтирди?” таълимий ўйини
3. Дўстига табрикнома матнини ёзиш.
4. “Почта” таълимий ўйини

Қўшимча: Б.Житковнинг “Мен нима кўрдим” китобидан парча ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: фаоллик, ўзига ишонч, қўшимчаларни тўғри талаффуз қилиш.

Фан ва табиат маркази

Табиат: Қушларни кузатиш

Мақсад: болалар ўлкамиздаги муҳим ва учиб келадиган мавсумий қушлар билан танишадилар, қушларнинг номини айтадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, қушлар тасвири туширилган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар ҳақидаги матнни ўқиш.
2. Қушларнинг ташқи кўриниши, ҳаракатланиши, озикланиши, сайраши ва бошқаларни кузатиш.
3. “Нима қандай овоз чиқаради?” таълимий ўйинида турли қушларнинг овозларига тақлид қилувчи шеърлар ўқиш.
4. “Ўлкамизга қайси қушлар учиб келади?” таълимий ўйин.

Қўшимча: “Қушларни боқамиз” таълимий ўйин. Бадий адабиётлар ўқиш. Қушлар тўғрисида топишмоқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: қушларнинг озикланиши, уларнинг номларини билиш, қушларга ғамхўрликни тарбиялаш.

Санъат маркази

Декоратив расм: Кофтани безаймиз

Мақсад: болалар буюмларга безак беришни ўрганадилар, қоғоздан тайёрланган буюмларга безак берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун етадиган миқдорда қаттиқ рангли қоғоздан қирқиб ясалган кофта, манжет, резина буюмлар, рангли қоғоздан қирқиб ясалган квадрат, айлана, тўғри тўртбурчак, учбурчак, оқ картон варақлари, елим, қайчи, мўйқалам, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ким бизга кийим тикади?” мавзусида суҳбат
2. Турли хил кийимлар билан танишиш.
3. “Фаслларга мос кийинамиз” таълимий ўйини
4. Декоратив расм чизиш.
5. Чиройли ва ўзаро уйғунликдаги ранглардан нақш безаклари яратиш.
6. Ижодий ишлар кўргазмаси. Рағбатлантириш

Қўшимча: турли либослар ҳамда тикувчилик касби билан таништириш.

Эътиборга молик жиҳати: ташаббускорлик, дид, мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Биз қурувчилармиз

Мақсад: болалар геометрик шакллар тўғрисида тушунчага эга бўладилар (айлана, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак). Қайчини тўғри ушлаш, аппликация қисмларини сифатли елимлаш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: хамма болаларга етарли миқдорда қаттиқ, рангли қоғоздан қирқиб ясалган кофта, манжет, резина буюмлар, рангли қоғоздан қирқиб ясалган квадрат, айлана, тўғри тўртбурчак, учбурчак, оқ картон варақлари, елим, қайчи, мўйқалам, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Уй курамыз” расмини кўздан кечириш.
2. “Уйларни кимларқуради?” мавзусида суҳбат.
3. “Шаклларни топ” таълимий ўйини.
4. Турли шаклларда яхлит композицияни шакллантириш ва уларни елимлаш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Тимсоҳ Гена ва Чебурашка” мультфильми намойиши. “Қурувчилар” сюжетли-ролли ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий фаолият жараёнида болаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, хайрихоҳлиги, билиш жараёнидаги соғлом маънавий муҳит.

Санъат маркази

Исталган мева ва сабзавотларни яшаш

Мақсад: болалар турли мева, сабзавот, ўйинчоқлар яшаш усулларини биладилар, предметлар шаклини айтиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мева ва сабзавот муляжлари, пластилин, тахта, стек, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Мева ва сабзавотлар” мавзусида суҳбат.
2. “Қаерда ўсишини топ” таълимий ўйини.
3. “Мева ва сабзавотлар” стол устида ўйин.
4. Мева ва сабзавотлар яшаш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: таълимий ўйин ташкил қилиш, мавзу юзасидан расм чизиш.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввурларини кенгайтириш, ясаган нарсаларининг ҳажми жуда кичик бўлмаслигига ва аниқ шакл берилишига эътибор қаратиш.